



ТАСДИҚЛАЙМАН»
Чироқчи тумани халқ
таълими бўлими мудирининг
Ф.К.Жуманов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов хужжатларининг мазмуни

I. Танлов хужжатларининг мазмуни

II. Техник қисм

III. Танлов ва таклиф

IV. Тақдим қилинадиган хужжатлар

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТЕ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмета: Чироқчи тумани Обод МФЙ Қорабуруғ қишлоғи худудидаги 180-сонли мактабга ичимлик суви ташкил қилиш учун артизиан қудук хамда сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш учун ЛСХ ишлаб чиқиш. Муаллифлик назоратини олиб бориш ва экспертиза хулосаси олиш учун.

1.2. Танловнинг қиймати - **438 750 000 (Турт юз ўттиз саккиз миллион етти юз эллик минг) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Смета лойиха хужжатларини 5 кун мобайнида ишлаб чиқиш зарур.

1.3. Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда плова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. Чироқчи тумани халқ таълими бўлими (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилоят Чироқчи тумани, Янгиобод кўчаси 9 уй адрес: Chirakchi_txtb@xtv.uz

Танлов "Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.2. Танлов Чирокчи тумани, Янгиобод кучаси 9 уй Чирокчи туман халқ таълими бўлимида "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

2.3. Танлов ушбу хизмат эълон берилгандан сунг якунига (сониясига) қадар тижорат таклифлари қабул қилинади. (Ушбу хизмат асосида танловларни амалга ошириш ёки қолибни танлаб олиш мақсадида харид комиссиясининг йигилиши (эълон якун куни билан 11:00 да амалга оширилади)).

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, қаида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предметида иштирокчининг қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлари:

танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги

ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар:

танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг муқжалланаётган ҳажми (50 фоиздан қам булмаган ҳолда):

Низом маблағи, миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик прақасида турганлар; мол-мулки муқодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, қолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига қура ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида куйидагилар такдим этиш лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак,
- Танлов шартларида белгиланган хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичларкурсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

такдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади:

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга қадар қабул қилиши ёки узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборотпорталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги қонун талабларини бузган шахсларқонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Қолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров ооборишга ҳақли. Суров қелиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров


давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади

Чирокчи тумани халқ таълими бўлими
МТЭХ бош мухандиси:



Д.Аликулов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Чирокчи тумани халқ таълими бўлими
муdiri _____ Ф.К.Жуманов

2022 йил

“Очиқ бюджет” ахборот порталида ўтказилган Ташаббусли бюджет жараёни натижаларига кўра Чирокчи тумани Обод МФЙ Қорабуруғ қишлоғи худудидаги 180-сонли мактабга сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш учун лойиха хужжатларини тахлаб бериш ва уни экспертиза хулосасини олиш тўғрисида

ТОПШИРИҚ

(2 нусхада)


(Чирокчи – 2022 йил)

1. Бош буюртмачи	Чирокчи тумани Халқ таълими бўлими
2. Лойихалаштириш учун асос	“Очиқ бюджет” ахборот порталида ўтказилган Ташаббусли бюджет жараёни натижаларига кўра Чирокчи тумани Обод МФЙ Қорабуруғ қишлоғи худудидаги 180-сонли мактабга сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш учун лойиха хужжатларини тахлаш ва уни экспертиза хулосаси олиш
3. Молиялаштириш манбайи	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари
4. Бош лойихалаш ташкилоти	Танлов асосида
5. Қурилиш тури	Сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш
6. Объектнинг жойлашган ўрни	Чирокчи тумани Обод МФЙ Қорабуруғ қишлоғи худудидаги 180-сонли мактаб
7. Объектни ресурслар билан таъминлаш	Маҳаллий қурилиш материалларидан максимал даражада фойдаланиш
8. Лойихалаш навбатлари ва босқичлари	Ишчи лойиха бир босқичда ишлаб чиқилади
9. Қурилиш майдончасининг шарт шароитлари	Текислик
10. Пудратчи ташкилот	Танлов асосида аниқланади
11. Смета харажатларини ишлаб чиқишга талаблар	Смета хужжатларида қурилишнинг бошланғич нархи жорий нархларда ҳисоблаб чиқирилиши лозим. Нархларни ошиб кетишига йўл қўймаслик
12. Қурилиш бошланиши ва тугаллаш муддатлари	2022 йил
13. Ерларни рекультивация қилиш талаблари	Талаб этилмайди
14. Лойиха ечимларини келишишга қўйиладиган талаблар	Лойиха ташкилоти лойихалаш хужжатларини ишлаш жараёнида объектларни жойида ўрганиб ва барча манфаатдор ташкилотлар, шу жумладан буюртмачи билан келишиш
15. Топпириқ қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиха мазкур топпириқ талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиха 3 нусхада ва амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган бўлиши керак

Буюртмачи:

Чирокчи тумани халқ таълими бўлими

МТЭХ бош муҳандиси:



Д.Алиқулов



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Чирокчи тумани халқ таълими бўлими
мудирини Ф.К.Жуманов

2022 йил

“Очик бюджет” ахборот порталида ўтказилган Ташаббусли бюджет жараёни натижаларига кўра
Чирокчи тумани Обод МФЙ Қорабуруғ кишлоғи худудидаги 180-сонли мактабга сунъий
копламали футбол майдончаси қуриш учун кетадиган харжатлар

КАЛЬКУЛЯЦИЯ

№	Номланиши	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Сунъий копламали футбол майдончаси (20x40 ўлчамдаги)	Дона	1	438 750 000	438 750 000

Бош ҳисобчи:

Н.Бекназаров

МТЭХ бош муҳандиси:

Д.Аликулов

Чирокчи туман 2022 йил